

**БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМДА ЭКОЛОГИК ТАЪЛИМ-ТАРБИЯНИ  
ШАКЛЛАНТИРИШДА КРЕАТИВЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ  
МЕТОДИКАСИ**

Хо‘shboq Norbo‘tayev Bobonazarovich,

Termiz davlat pedagogika instituti dotsenti, pedagogika fanlari doktori (DSc)

Сурайё Эшбоева Қахрамон қизи

Термиз давлат университети Бошланғич таълим кафедраси ўқитувчиси

**Аннотация**

ушбу мақолада экологик таълим-тарбиянинг мукамал тизимини ишлаб чиқиш ва таълим тизимида жорий этишдаги изланишларнинг ўрганилиши, табиатга етадиган антропоген озорни камайтириш, экологик таълим-тарбиянинг асосий негизлари, бошланғич синф ўқувчиларида экологияга оид тушунчаларни креатив ёндашув асосида такомиллаштиришга асосий эътибор атроф-муҳит муҳофазаси, табиатдан оқилон ва тежамкорлик билан фойдаланиш, атроф-муҳитни яхшилашга қаратилган технологиялар, экологик тушунчаларга асосланган манбалар орқали экологик таълим-тарбия элементларини шакллантириш каби манбалар баён қилинган.

**Калит сўзлар:** бошланғич синф ўқувчилари, дарс, ўқувчи, экологик сиёсат, атроф-муҳит, таълим-тарбия, табиат, жамият, инсон, экология, тежамкорлик, муаммо, тушунча, маданият, технология, креатив ёндашув, технология.

**Аннотация:**

в данной статье проведены исследования по разработке отличной системы экологического образования и внедрению ее в систему образования, уменьшению антропогенного ущерба природе, основным принципам экологического образования, основное внимание направлено на улучшение понимания младшими школьниками описаны экология, основанная на творческом подходе, охрана окружающей среды, такие источники, как рациональное и экономное природопользование, технологии, направленные на оздоровление окружающей среды, формирование элементов экологического образования через источники, основанные на экологических концепциях.

**Ключевые слова:** младшие школьники, урок, ученик, экологическая политика, окружающая среда, образование, природа, общество, человек, экология, экономика, проблема, концепция, культура, технология, творческий подход, технология.

### Annotation

In this article, research on the development of an excellent system of environmental education and its introduction into the educational system, reduction of anthropogenic damage to nature, the main principles of environmental education, the main focus on improving elementary school students' understanding of ecology based on a creative approach, environmental protection, sources such as rational and economical use of nature, technologies aimed at improving the environment, formation of elements of environmental education through sources based on ecological concepts are described.

**Keywords:** primary school students, lesson, student, environmental policy, environment, education, nature, society, human, ecology, economy, problem, concept, culture, technology, creative approach, technology.

Атроф-мухитга жиддий муносабатларнинг пойдевори, асосан узлуксиз таълимнинг асосий бўғини ҳисобланган бошланғич таълимда ўргатилади. Шунинг учун экологик таълимнинг натижаси мактаб таълимининг биринчи босқичига боғлиқ. Жумладан, психологик-педагогик тадқиқот ишлари кичик ёшдаги ўқувчиларнинг билиш фаолиятлари чекланганлиги ҳақида илгариги тушунчаларни кўриб чиқишга имкон беради. Бу бошланғич таълимнинг барча таркибий қисмларини ўзгартириш ва янгилашга асос яратади [1].

Бошланғич синф ўқувчиларининг ёш хусусиятларига жавоб берадиган ва дарснинг дидактик талабларга мос келадиган, мақсадни аниқлаш бундай янгилашнининг асосий масаласи. Таъкидлаш жоизки, табиатга экологик маданий муносабат стихияли тарзда вужудга келадиган ҳодиса эмас. Инсоннинг табиатга нисбатан моддий муносабати маънавий маданиятнинг таркибий қисми сифатида инсонни ўраб турган ижтимоий-маданий муҳит таъсиридаги экологик мероснинг тарихий ривожланиш жараёни натижасидир.

Биобарин, экологиянинг фан сифатида шаклланиши XX аср бошларида амалга ошди. Экология терминини немис олими Э.Геккель ўзининг

“Организмларнинг умумий морфологияси” номли илмий асари орқали баён этади. Э.Геккель ўзининг бу асарида тирик организмларнинг ташқи муҳит билан чамбарчас боғликлиги ва ўзаро муносабатини батафсил асослаб беради. Бу таълимотни жаҳон буюк табиатшунос олимлари Ж.Б.Ламарк, А.Гумбольдт, Н.А.Северцов ва бошқалар ўзларининг илмий асарларида янада ривожлантирган. Экология фанини чуқурроқ ўрганишга киришиш XVIII-XIX аср бошларидан такомиллашган бўлиб, рус олими К.Раул тирик организмларнинг ташқи муҳит билан ўзаро муносабатини “Табиат” қонуни ёки (муносабат қонуни) деб атайдиган[10].

Бошланғич синф ўқувчиларида экологик тарбияга оид тушунчаларни шаклланишида, таққослаш, синтез қилиш, абстрактлаш, умумлаштириш ва хулоса қилиш сингари ҳаёлий жараёнлар креативлик маҳсули ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак, ўқитиш тизимини модернизациялаш, педагогик фаолият самарадорлигини таъминлашнинг асосий шартларидан бири-бошланғич синф ўқувчиларида креатив ёндашувни такомиллаштиришдан иборат[6].

Ҳозирги вақтда тақлиф этилаётган ўқув дастурларига ижодий ёндашиш, шунингдек, ўқувчилар салоҳиятини ривожлантиришга эътибор қаратиш зарур. Замонавий жараён ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларини, уларнинг қизиқишлари ва эҳтиёжларини ҳисобга олиши керак. Иқтидорли ўқувчи нафақат кўриш, балки ўзига ишонишга, ўз аҳамиятини англашга, қизиқ саволларга мустақил равишда жавоб беришга, ўз-ўзини англаш жараёнига ҳисса қўшишга ёрдам бериши керак[2].

Бошланғич синф ўқувчиларида экологияга оид тушунчаларни шакллантиришда креатив ёндашув жараёни унинг ижодий фаолиятида пайдо бўлади ва ривожланади. Креативлик ўқувчининг ижодий фаолиятида ижодий интилиши, ижодий қобилияти, креатив мақсади, йўналиши ва ўзини бошқара олишида кўринади. Уни ўзини фаоллиги, ўз-ўзини бошқара олиши билан етук ривожланаётган шахсга айланаётганини билдиради[15]. Креативлик-бу элементларнинг ўзаро боғлиқ қобилиятларни тизимлаштириб турадиган интегратив жараён. Шунингдек, ижодий креативлик-бу ҳаёлот, уюшқоқлик, ҳаёлпарастлик, ўзини намоён қилиш (фикрлаш тезлигида, фикрлаш ва хатти-ҳаракатларнинг мослашувчанлигида), тафаккурнинг аниқлиги, ўзига ҳослиги, бой тасаввур, юқори эстетик қадриятларга содиқлик, ноаниқликка қаршилиқ, ўзини-ўзи бошқариш ва ўзига ишонч, муаммоли тасвирнинг батафсил даражаси[9].

Креативлик билан параллел равишда қўлланиладиган “ижодкорлик” тушунчасига ҳам тўхталиб, унда ижодга берган Ш.Шариповнинг таърифича -ижод - инсоннинг фан, техника, ишлаб чиқариш, маданият ва бошқа соҳаларда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган янгилик яратиши билан боғлиқ мураккаб психологик жараён деб уқтиради[3].

О.В.Буторина эса креативликка берилган бир қанча изоҳларни таҳлил қилиши натижасида унинг қуйидаги ўзига хослигини аниқлаштирган: турли таърифларда креативликнинг фарқ қилувчи жиҳати дивергент фикрлаш ёки яхлитликда интеллектуал ижодкорлик, маҳсулига кўра бутунлай янги ёки оригинал қайта тизимлаштирилган, маълум тизимларни қайта ташкил этиш, инсоннинг яратувчилик фаолиятига лаёқатлилиги ёки ахборотларни ностандарт кодлаш ва ҳоказо[4].

Креативликнинг моҳиятини аниқлаш ва баён этишга доир илмий изланишлар жараёнида ижодкорлик назарияси ёки ижодкор шахсни ривожлантириш нафақат хорижлик, балки мамлакатимиз олимларида ҳам қизиқиш уйғотган.

Жумладан, З.Т.Нишонов таалабаларда мустақил-ижодий фикрлашни шакллантириш нуқтаи назаридан креативликни дивергент ва конвергент тафаккур билан боғлиқликда намоён этган[5].

П.Эргашев, Г.Гозибекова, Г.Байкунусовалар креативликни юксак ижодий қобилиятларнинг натижаси сифатида талқин қилишган. Уларнинг фикрича, шубҳасиз юксак ижодий қобилиятлар қандайдир ягона ва хатто бир неча омилнинг эмас, балки психологик-педагогик шарт-шароитларнинг каттагина комплекси маҳсулидир. Бироқ ушбу инкор этиш қийин бўлган мулоҳазани эътироф қилиш[16]. Унда биринчидан, креативликни ривожлантирувчи бир қатор омилларни сунъий ҳосил қилишнинг иложи йўқ, дегани эмас, иккинчидан, психологик тараққиёт қонунига кўра, муайян омилнинг етишмаётган таъсири бошқа омиллар билан муайян даражада қопланиши мумкинлиги эҳтимолдан ҳоли эмас[7].

Айрим мутахассислар креативлик қобилиятининг намоён бўлишини ижодий тафаккур билан боғлиқ ҳодиса сифатида кўрадилар: инсон ижоднинг қайси соҳасида фаолият олиб боришидан қатъи назар, ижодий тафаккурга эҳтиёж сезади[19]. Юзага келган муайян савол ёки масаланинг ечимини топиш жараёнида ижодий тафаккур намоён бўлиб, муаммонинг ечими бирдан ёки қутилмаганда пайдо бўлади. Бу жараёнда сифат жиҳатидан янги моддий ёки маънавий қадрият яратилади. Инсоннинг ижодий имконияти креативлик, яъни яратувчанлик, янги ғояларни ўйлаб



топишга мойиллик ва изланувчанликда намоён бўлади[8].

Педагогикада креативлик деганда, инсоннинг-ижодга қобилиятлилиги тушунилади ва интеллектнинг ривожланиш даражаси билан алоқадорликда таҳлил қилинади. Жумладан, А.Арипжанова олий таълим муассасалари педагоглари таркибининг креатив салоҳиятини ривожлантириш билан боғлиқликда креативлик тушунчасининг моҳиятини қуйидаги тарзда баён этган: креативлик мақбул имкониятларни сафарбар этиш орқали, шахснинг муаммони қабул қилиши, янги, ноодатий маҳсулни яратиш қобилияти деб, таъкидлайди.

Сўнгги ўн йилликларда иқтидор ва ижодкорлик масалаларига қизиқиш давлат даражасигача кўтарилди, чунки фандаги ўзгаришлар ҳаётнинг барча соҳаларини ва ижтимоий ишлаб чиқаришни илм - фан ютуқларига бевосита боғлиқ қилиб қўйди. Иқтидорни ўрганиш, иқтидорли шахсларни аниқлаш ва уларнинг имкониятларини ривожлантириш муаммолари биринчи ўринга чиқади[17].

Анъанага кўра, креативлик маҳсули сифатида қобилият шахсий қобилият ва умумий ақлий қобилият ёки интеллект тушунчаси билан боғлиқ бўлади. Конвергент ва тафовутли фикрлаш ва креативлик тоифаларини иккинчисининг синоними сифатида ажратиб берган Ж.Гилфорднинг кўп омилли назарияси пайдо бўлганидан сўнг, иқтидор ва креативликнинг ўзаро боғлиқлиги ва уларнинг иқтидорда намоён бўлишини исботлади. Иқтидор ва креативликнинг ўзаро боғлиқлиги бўйича тадқиқотчиларнинг қуйидаги учта ёндашуви мавжуд:

Биринчи ёндашувда-бундай ижодий қобилият мавжуд эмас деб тахмин қилинади ва интеллект шахснинг ижодий фаолияти учун зарур, аммо етарли бўлмаган шарт сифатида ишлайди. Ижодий хулқ-атворни аниқлашда асосий роль мотивация, қадриятлар, шахсий хусусиятлар билан ўйнайди.

Иккинчи ёндашувда - ақлнинг юқори даражаси ижодкорликнинг юқори даражасини англатади ва аксинча[18]. Ақлий фаолиятнинг ўзига хос шакли сифатида ижодий жараён мавжуд эмас. Ушбу нуқтаи назар ушбу муаммони ишлаб чиқишда иштирок этган кўплаб олимлар учун энг кам ишончли кўринади.

Учинчи ёндашувда-креативликнинг ғояси (ижодий қобилият) ақлдан мустақил омил сифатида таҳлил этилган[12].

Бошланғич синф ўқувчиларида экологияга оид тушунчаларни шакллантиришда креативлик жараёни хулқ-атвор қоидалари, мезонлари, шунингдек, миллий ғоянинг ўқувчилар онгида акс этишидир. Креативлик,

ахлоқий фаолият кўникмалари ҳамда ахлоқий маданият таълим-тарбия жараёнида йўлга қўйилаётган ахлоқий, ижтимоий-ғоявий, иқтисодий, ҳуқуқий, эстетик ва экологик мавзулардаги суҳбат, баҳс-мунозара, дебатлар халқ хўжалигининг турли соҳаларида фидокорона меҳнат қилаётган, илм-фан, маданият, ишлаб чиқариш ҳамда спорт соҳаларида юксак даражадаги муваффақиятларни қўлга киритиш билан Ўзбекистон Республикаси номини жаҳонга машҳур қилаётган, унинг обрў-эътиборининг ошишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётган шахслар ҳаёти ва фаолияти тўғрисидаги маълумотлардан самарали фойдаланиш орқали шакллантирилади [11].

Креативлик, ўқувчиларда дунёқарашни шакллантиришда ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, уни самарали ташкил этишда онг, ҳис - туйғу ҳамда хулқ-атвор бирлигига эришиш мақсадга мувофиқдир. Зеро, улар бирлигида маълум камчиликларнинг юзага келиши ҳам ўқувчиларнинг комил шахс бўлиб камол топишларига салбий таъсир кўрсатади. Дунёқараш табиат, жамият ва инсон тафаккури ҳамда шахс фаолияти мазмунининг ривожланиб боришини белгилаб берувчи диалектик қараш ва эътиқодлар тизимидир .

Шунингдек, бошланғич синф ўқувчиларида экологияга оид тушунчаларни креатив ёндашув асосида такомиллаштиришга асосий эътибор атроф-муҳит муҳофазаси, табиатдан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиш, атроф-муҳитни яхшилашга қаратилган технологияларни қўллаш билан боғлиқ бўлган глобал билимларга эга бўлишдан иборат.

## **АДАБИЁТЛАР**

1. Айдаров Е.Б. Ўқувчи ёшларга табиий ҳудудларни муҳофаза қилиш орқали экологик тарбия бериш технологияларини такомиллаштириш. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси.- Чирчиқ, 2021. -134 Б.
2. Бозорова Н.Ш. Талабаларда экологик маданиятни шакллантириш-нинг илмий-педагогик асослари): пед. ф.н. дисс. автореф. - Тошкент, 2006. - 22 б.
3. Шарипов Ш. Ўқувчилар касбий ижодкорлиги узвийлигини таъминлашнинг назарияси ва амалиёти: Пед. фан. док. дис. автореф. - Тошкент, 2012. - 46 б.
4. Буторина О.В. Кросскультурное определение креативности в управленческом потенциале руководителя. Психология XXI века:

- материалы Международной научно-практической конференции студентов и аспирантов. - СПб., 2003. - С.276-278.
5. Нишонов З.Т. Мустақил ижодий фикрлашни шакллантиришнинг психологик асослари: Псих.фан док. дис. -Т., 2005.- 391 б.
  6. Norbutayev Kh.B. Technology of organization of integrated lessons in teaching biology. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences, 8 (2), 2020. - P. 111-115.
  7. Norbutayev H.B. Specific features of interdisciplinary integration in teaching natural subjects. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal <https://saarj.com>. Impact Factor: SJIF.Vol.11,10.5958/2249-7137.2021.00766.7. Issue 3, March 2021.- P.1123-1128.
  8. Тилакова М. Юқори синф ўқувчиларининг креативлик қобилиятларини ривожлантириш монография. -Т: Фан ва технология, 2016. -171 б.
  9. Арипжанова А.Р. Таълимни ахборотлаштириш шароитида олий таълим муассасалари педагогларининг креатив салоҳиятини ривожлантириш. Автореферат (PhD), 2017. -50 б.
  10. Eshboeva S.K. The current state of improving the creative approach in the formation of ecological concepts in primary class students. International bulletin of engineering and technology. -UIF = 8.1 | SJIF = 5.71, 2022. -P. 21-28.
  11. Eshboyeva, S. (2022). Didactic possibilities of creative approach in forming ecological concepts in primary class students. Conferencea, 200-205.
  12. Eshboeva, S. (2022). Creative approach to forming ecological concepts in primary class students.
  13. Эшбоева С.Қ Влияние индивидуальных особенностей на развитие и воспитание школьников. Научный журнал “Гуманитарный трактат” [www.gumtraktat.ru](http://www.gumtraktat.ru) 02 июля 2018 г. Выпуск №29 Кемерово ББК Ч 214(2Рос-4Ке)73я431 ISSN 2500-1159 УДК 378.001 [www.idpluton.ru](http://www.idpluton.ru) 02.07.2018 г. УДК 37.013. 53-56 ст.
  14. Eshboyeva S.K. Use of people's oral creativity in the formation of ecological concepts of primary school students on a creative basis. //Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences VOLUME 1 | ISSUE 10 ISSN 2181-1784 Scientific Journal Impact Factor SJIF 2021: 5.423 November 2021 [ilmiy.jurnal.10-son](http://ilmiy.jurnal.10-son.uz) [www.oriens.uz](http://www.oriens.uz) Doi 10.24412/2181-1784-2021-10 763-769-page.

15. Хуррамов, Р. (2022). БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ ЭВРИСТИК ФИКРЛАШИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРИ. Conferencea, 80-84.
16. Sayfiddinovich, R. K. (2022). THE IMPORTANCE OF USING ETHNOPEDAGOGY IN PRIMARY SCHOOL STUDENTS. TA'LIM VA RIVOJLANISH TAHLILI ONLAYN ILMIY JURNALI, 2(4), 92-97.
17. Khurramov, R. (2022). Developing creative thinking skills of students through integration-based primary classes.
18. Khurramov, R. (2022). EDUCATIONAL TASKS IN THE PRIMARY CLASS ARE A TOOL FOR DEVELOPING STUDENTS'HEURISTIC SKILLS. World Bulletin of Social Sciences, 13, 22-25.
19. Хуррамов, Р. (2022, August). ЎҚУВ ТОПШИРИҚЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ЭВРИСТИК ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВОСИТАСИ. In E Conference Zone (pp. 138-142).